

2019 йилнинг натижалари ва 2020 йилда Бизнес-режанинг кўрсаткичларини ва устувор йўналишлари

Банкнинг молиявий барқарорлиги, инвестициявий фаоллигини рағбатлантириш ва ишончлилигини янада ошириш мақсадида Банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилган.

2020 йил 1 январ ҳолатига Банк томонидан қуйидаги натижаларга эришилди. Улар қуйидагича:

1. Ҳисобот санасига аҳоли ва юридик шахслар учун 11 та филиал, 76 та банк хизматлари марказлари, 44 та чакана амалиётлар кассаси, 27 та валюта айирбошлаш шохобчалари хизмат кўрсатиб келмоқда.

2. Халқаро меъёр ва стандартларга мувофиқ, шу жумладан, банкнинг депозит ва кредит сиёсати банкларга нисбатан қўйилган меъёрий талабларни ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштирилди, бунинг натижасида банкнинг меъёрий кўрсаткичлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча ўсишга эришилди. Жумладан, банкнинг активлари 3 317 млрд. сўм ташкил этди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 583 млрд. сўмга ёки 21,3 фоизга ошган. Активлар даромадлилиги (ROA) 5,94 фоизни, Капитал даромадлиги (ROE) 38,04 фоизни ташкил этди.

3. Банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш, омонат ва депозитларнинг янги жозибадор турларини жорий қилиш йўли билан аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини банк айланмасига кенг кўламда жалб этиш чора-тадбирлари амалга оширилди. Банкнинг жами капитали 519 млрд. сўмни ташкил этди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 201 млрд. сўмга ёки 63,1 фоизга ошган, аҳоли омонатлар қолдиғи 390 млрд. сўмни ташкил этди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 117 млрд. сўмга ёки 43 фоизга ошган.

4. Илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этган ҳолда кўрсатилаётган банк хизматлари кўламини кенгайтириш ва сифатини

ошириш, шунингдек банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. 2019 йилда Трастбанк тизимида “TRUSTPAY” кенг қўламли мобил иловаси тадбиқ этилди ва 50 та дона кенг қўламли банкоматлар ўрнатилиб аҳолига хизмат қилмоқда, улардан 10 та дона “HUMO” тизимида ишловчи банкоматлардир.

Капитал монандлиги кўрсаткичлари.

2020 йилнинг 1 январ ҳолатига Банкнинг капитал монандлиги кўрсаткичи 16,5 %ни (ЎзРМБ томонидан белгиланган меъёр 13%), биринчи даражали капитал монандлиги кўрсаткичи 12,4 %ни (ЎзРМБ томонидан белгиланган меъёр 10%), левераж кўрсаткичи 9,3%ни (ЎзРМБ томонидан белгиланган меъёр 6%) ташкил этди.

Ликвидлик кўрсаткичлари.

Банкнинг ликвидлик меъёрлари барча талабларга жавоб бермоқда, хусусан жорий ликвидлик меъёри 53,2 %ни (ЎзРМБ томонидан белгиланган меъёр 30%), лаҳзали ликвидлик меъёри 29,7 %ни (ЎзРМБ томонидан белгиланган меъёр 10%), ликвидликни қоплаш меъёри 164,8 %ни (ЎзРМБ томонидан белгиланган меъёр 100%) ва соф барқарор молиялаштириш меъёри 119,1 %ни (ЎзРМБ томонидан белгиланган меъёр 100%) ташкил этди.

“Трастбанк” ХАБ "Фитч Рейтингс" етакчи халқаро рейтинг агентлиги томонидан “В” (барқарор) рейтинг даражаси қайта тасдиқланган.

2020-йилда “Трастбанк”нинг режалари:

Биринчи йўналиш - иқтисодий ривожланиш, барча асосий кўрсаткичларнинг, депозитларнинг, даромад келтирувчи активларнинг, фойданинг юқори ўсиш суръатларини таъминлашдир.

Иккинчидан, чет эл валютасида кредитлаш мақсадида чет эл кредит линияларини жалб қилиш.

Учинчидан, вилоят ва Тошкент шаҳридаги барча филиалларини ривожлантириш, режа асосида қошимча банк хизматлари марказларнинг очилиши.

Тўртинчидан, мамлакатда тадбиркорликни ривожлантиришда банкнинг, шу жумладан филиалнинг кредит, чакана бизнес ва пластик карталар бўлимлари аҳамиятини ошириш.

Бешинчидан, янги корпоратив мижозларни жалб қилиш.

2020 йил учун Банк фаолиятининг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- кредитлаш;
- ҳисоб-касса хизмати;
- ташқи-иқтисодий фаолият;
- филиалларнинг ресурслар ва мижозлар базасини кенгайтириш;
- чакана бизнесни ривожлантириш.

2019 йил якунига кўра "Трастбанк" ХАБ бизнес-режасида белгиланган асосий кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича маълумот				
Бизнес-режанинг асосий кўрсаткичлари	Режа (млн.сўм)	Амалда (млн.сўм)	Фарқ (млн.сўм)	Бажарилиши (%)
Активлар		3 317 119		
Кредит портфели	1 400 000	1 737 205	337 205	124
Жалб қилинган депозитлар	2 936 572	2 652 204	-284 368	90
Даромад	530 411	622 458	92 047	117
Харажат	380 410	425 294	44 884	112
Фойда	150 001	197 164	47 163	131